



100084, Toshkent shahri, Yunusobod tumani,
Kichik xalqa yo`li – 4.
Tel.: 239-16-85
Faks: 150-62-99

100084, город Ташкент, Юнусабадский
район, Кичик халка йули – 4.
Тел.: 239-16-85
Факс: 150-62-99

ПРЕСС-РЕЛИЗ

2016 йил 21 июль

Тошкент шаҳри

Ўтган йиллар давомида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тубдан янгиланиб, кутқарув хизмати ҳам сон, ҳам сифат жиҳатдан мустаҳкамланди. Кутқарувчилар сафига малакали спортчилар, довюрак, шижоатли ёшлар жалб қилинди. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимида фаолият олиб бораётган ҳарбий хизматчилар ва кутқарувчиларнинг маънан ва жисмонан соғлом бўлишлари учун кўплаб шарт-шароитлар яратилиб, ходимлар ўртасида турли мусобақалар, танловлар ўтказиш анъанага айланди.

Бундай беллашувларни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад вазирлик ҳудудий бошқармалари ва таркибий тузилмалари ҳарбий хизматчилари, кутқарувчилари ҳамда мутахассислари ўртасида спорт тадбирларини янада такомиллаштириш, уларнинг жисмоний тайёргарлигини янада ошириш, жамоада соғлом муҳитни ташкил этишдан иборатдир.

Ана шундай мусобақалардан бири спортнинг “**мини-футбол**” тури бўйича ҳар йили ўтказиб келинмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 17-18 июль кунлари Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ҳудудий бошқармалари ва таркибий тузилмаларининг жамоалари – 8 нафар ўйинчи ва 1 нафар мураббий бошчилигида белгиланган жойларда тўп сурдилар.

Хусусан:

Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳрида – Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаларининг (ФВБ) жамоалари;

Тошкент шаҳрида – вазирлик Марказий аппарати, Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти, Сирдарё вилояти (ФВБ) жамоалари, Марказий база, Тез ҳаракат қилиш республика кўп тармоқли маркази, Фуқаро муҳофазаси институти жамоалари;

Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳрида – Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Жиззах вилоятлари ФВБ жамоалари;

Наманган вилоятининг Наманган шаҳрида – Наманган, Фарғона, Андижон вилоятлари ФВБ ҳамда “Қамчиқ” Қидирув кутқарув отряди жамоалари ўзаро беллашдилар.

Жорий йилнинг 21 июль куни мусобақанинг финал босқичи

Пойтахтимизда жойлашган “Саховат Спорт Сервис” спорт мажмуасида бўлиб ўтди.

Ғолибликни қўлга киритган жамоаларга диплом ва эсдалик совғалари Фавқулодда вазиятлар вазирининг биринчи ўринбосари Арипов Комилжон Мерсаидович томонидан топширилди.

Дархақиқат, мустақиллик йилларида қутқарув тизмининг самарадорлигини ошириш, халоскорларнинг жисмонан ва руҳан соғлом бўлишини таъминлаш мақсадида ҳар бир қутқарув отрядлари замонавий спорт тренажорлари билан жиҳозланди. Катта спорт майдонлари ва замонавий ўқув бинолари барпо этилиб фойдаланиш учун топширилди.

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизмининг янада барқарор ривожланишида ҳарбий хизматчи ва хизматчиларни қўллаб қувватлаш, уларни муносиб рағбатлантириш катта аҳамиятга эга. Давлатимиз томонидан кўрсатилаётган бу каби ғамхўрликлар ва эзгу тадбирлар замирида шарафли касб эгаларига бўлган ғамхўрликнинг ифодасини кўриш мумкин.

ФВВ Матбуот хизмати